754, 932, 739 691 ли № 683 – 755

**O'zbekiston Respublikasi**
**Samarqand viloyati**
**Kattaqo`rg`on shahar**
**HOKIMI**
**QARORI**

**РЕШЕНИЕ**
**ХОКИМА**
**города Каттакургана**
**Самаркандской области**
**Республики Узбекистан**

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo`rg`on shahri, Amir Temur ko`chasi, 4 uy. tel.: (836645) 6-25-13 faks.: (836645) 6-10-01

**2015 у.г. «2» сентябр** **№ 683/К Kattaqo`rg`on sh. – г. Каттакурган**

***"Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2013 йил 4 ноябрдаги № 708-Қ сонли қарорининг 2, 3 бандларига ўзгартириш киритиш ҳақида"***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги № 54-сон "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хужалигига оид бўлмаган бошқа эхтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2013 йил 6 мартдаги № 62-Қ сонли қарорлари ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шахарсозлик кодексларига мувофиқ уларнинг ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш мақсадида, шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномасини, Каттақўрғон шаҳар ҳокими номига Машраб кўчаси 86 уйда яшовчи фуқаро Базаров Муминжон ва М.Улуғбек кўчаси 15 уйда яшовчи Казаков Лутфуллоларнинг ёзган аризаларини инобатга олиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

**1.** Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.

**2.** Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2013 йил 4 ноябрдаги № 708-Қ сонли қарорининг 2, 3 бандларига ўзгартириш киритиб, Каттақўрғон шаҳар Ингичка кўчаси атрофидаги 3000,0 кв.метр ер майдонида М.Улуғбек кўчаси 15 уйда яшовчи Казаков Лутфуллога қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи қуриб атрофида ободонлаштириш ишларини амалга оширишга рухсат берилсин.

**3.** Каттақўрғон шаҳар М.Улуғбек кўчаси 15 уйда яшовчи Казаков Лутфуллога белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета хужжатлари (кейинги ўринларда қурилиш лойиҳаси деб аталади) асосида қуриш учун хужжатларини расмийлаштириш юклатилади. Ушбу қарор объектни қуришга мухандислик корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос хисобланади.

**4.** Ерни натура тарзида жойида ўлчаб бериш, бугунги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган холда, шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими ҳамда Каттақўрғон шаҳар хўжалик хисобидаги «Ер тузиш ва кучмас мулк кадастр» давлат унитар корхонаси хизмати зиммасига юклатилсин.

**5.** Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари И.Маматов зиммасига юклатилсин.

**Шаҳар ҳокими** **Ш.Ж.Рахмонов**